



"КЕЛИШИЛДИ"

Наманган вилояти Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи

Х.Юсупова
_____ 2021 й.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Наманган вилояти хокимлигининг ягона буюртмачи инженеринг компанияси директори

Д.Матмусаев
_____ 2021 й.



"КЕЛИШИЛДИ"

Наманган вилоят Курилиш бош бошқармаси бошлиғи

Д.Ниязов
_____ 2021 й.



ЛОЙИХА ТОПШИРИҒИ

“Наманган вилояти Давлатобод тумани “Юкори Ровустон” МФЙ ҳудудида жойлашган №36- сонли мактабгача таълим ташкилотини 120-уринга мукамал қайта қуриш.

Наманган 2021 й.

NN п/п	Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	Буюртмачи	Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти хокимлигининг ягона буюртмачи инженеринг компанияси
2	Ишлаб чиқиш учун асослар	Наманган шаҳар хокимининг 2020 йил 10 августдаги 503-сонли қарори Наманган вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан 09. 10. 2020 йилда ишлаб чиқилган № 1714-1714401-2419 сонли Архитектура – режалаштириш топшириги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрел кундаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурини амалга ошириш буйича қўшимча чора тadbирлари туғрисидаги ПҚ 5048-сон қарори.
3	Қурилиш тури	Кайта қуриш
4	Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети
5	Қурилишнинг тахминий баҳоси, млн.сўм	4,800 сум
6	Лойиҳачи ташкилот-бош лойиҳачи номи	Танлов асосида
7	Пудрат ташкилоти	Танлов савдолари (тендер) орқали аниқланади
8	Объектнинг асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари, қуввати, унумдорлиги, ишлаб чиқариш дастури, шунингдек турар-жой бинолар, уларнинг вазифалар (қаватлар сони, секциялар ва квартиралар сони, қабул қилиш ва сўғим қобилияти)	120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти лойиҳасини ишлаб чиқиш (30 кишилик 4 та гуруҳ тўлик кун учун)
9	Архитектура-қурилиш, ҳажмли режалаштириш ва конструкцияли қарорларга, блокировкалаш шартлари, биноларни пардозлаш учун талаблар	Мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида қуйидаги функционал майдончаларни жойлаштириш зарур: - гуруҳ бинолари; - Ошхона биноси - асосий бино - жисмоний тарбия майдончалари; - хўжалик ишлари майдони; - Ташқи болалар айвочаси; Мактабгача таълим ташкилотини жойлаштириш ва лойиҳалаштириш ишларида қуйидаги меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш талаб этилади: “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида” ги ПКМ-391 ва ШНҚ 2.07.01.-03* “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантириш ва ривожлантиришни режалаштириш” ҳамда СанПИН ва ИКН 03-19/ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги “Мактабгача таълим ташкилотлари”. Бинода асосан қуйидагиларни кўзда тутиш лозим: - кичик гуруҳ (3 ёшдан 4 ёшгача бўлган

		<p>болалар 30 ўрин); - ўрта гуруҳ (4 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар 60 ўрин);</p> <p>- катталар гуруҳи (6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар 30 ўрин);</p> <p>Ўйин хоналари, гуруҳлар ва ётоқ хоналари учун хоналарда табиий ёки бурчакли шамоллатиш таъминланиши керак. Ричагли фрамугалар (деразанинг 50% дан кўп бўлмаган) ва шамоллатгичлар ҳар бир хонада бўлиши ва барча фаслларда ишлатилиши керак.</p> <p>Заллардаги поллар паст иссиқлик ўтказувчи (изоляция қилинган ва шпунтланган ёғоч) қопламалар билан қопланиши керак. Заллар бир-бирига ўтувчи бўлмаслиги лозим.</p> <p>Биноларнинг поллари ва деворлари силлик бўлиши ва нам тозалашга мос қоплама билан қопланиши ёки пардозланиши керак. Пардозлаш ишлари ранглари фақат очик тонлардаги ранглардан фойдаланиш.</p> <p>Овқатланиш, идиш-товуқ ювиш, буфет ва кир ювиш, дазмоллаш хоналарининг деворлари 1.8м баландликда сирланган плиткалар ёки болалар саломатлиги учун зарарсиз бўлган материаллар билан қопланиши керак.</p> <p>Овқат тайёрлаш, ювениш хоналари деворлари сирланган плиткалар ёки шунга ўхшаш болалар саломатлиги учун зарарсиз бўлган материаллар билан қопланиши зарур. Гуруҳлардаги ювениш ва хожатхоналар деворлари 1.6 м баландликда бўлиши лозим.</p>
10	Ободонлаштириш ва кичик меъморий шаклларга қўйиладиган талаблар.	<p>Лойиҳалаштиришда қуйидагиларни кўзда тутиш лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> - кириш ва ички бетон йўллар; - пиёдалар йўлакчалари - бетондан қопламали;- ўйин майдончалари, ўт қопламаларидан зичланган тупроқ асосида болаларнинг соғлиги учун зарарсиз бўлган материаллар билан қопланиши керак. - 25 м² майдонга эга сув ҳавзаси, чуқурлиги ўзгарувчан 0.1-0.5 м; - скамейкали ташқи болалар айвончаси; - скамейкалар.
11	Конструктив ечимларга, асосий ва тўсувчи конструкциялар материалларига қўйиладиган асосий талаблар.	<p>1. Мактабгача таълим ташкилоти биносида бир-биридан алоҳида ишлайдиган иситиш қозонлари, ўт ўчириш анжомлари билан таъминланиши лозим.</p>

		<p>Пойдевор – лентасимон</p> <p>Бино каркаси конструкцияси – куйма темир бетон ва ғиштли юк кўтарувчи конструкциялар билан аралаш тузилиш;</p> <p>Деворлар – пишган ғишдан. Ташқи деворлар 380 мм қалинликда ва 50мм қалинликда базалт қоплаш. Ички деворлар 380 мм қалинликда.</p> <p>Поллар – гуруҳ ва мусиқа ва спорт хоналарида ёғоч. Нам хоналарда, овқатланиш хонаси ва ошхона блокида сирланган керамик плиткалар.</p> <p>Ораёпмалар – думалоқ бўшлиқли темир бетон плиталар;</p> <p>Том қопламаси – 0.51 мм қалинликдаги ёғоч каркасга ўрнатиладиган профнастил</p> <p>Ички тўсувчи деворлар – 120 мм қалинликда пишган ғишт;</p> <p>Деразага икки қаватли ойна ўрнатилган пластик профилдан тайёрланган деразалар ўрнатилади.</p> <p>Ички эшиклар МДФ дан ишланиши лозим.</p> <p>Замонавий ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш</p> <p>Бинолар цоколида бетон кабанчик плиткалардан фойдаланиш.</p>
12	<p>Мухандислик ва технологик жихозларга қўйиладиган асосий талаблар, технологик ускуналар рўйхати ва етказиб берувчининг номи.</p>	<p>Сув таъминоти ва канализация тизими.</p> <p>Мактабгача таълим ташкилоти худуди ва асосий биноси шаҳар ва қишлоқ пунктларини режалаштириш ва ривожлантириш бўйича гигиена талабларига ва КМК 2.04.01-98 “Биноларнинг ички сув таъминоти ва канализацияси”, КМК 2.04.02-97 талабларига мувофиқ ичимлик, ўт ўчириш ва иссиқ сув таъминоти тизимлари, канализация, дренаж тизимлари билан таъминланган бўлиши керак. КМК 2.04.02-97 “Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар”, КМК 2.04.03-97 “Канализация. Ташқи тармоқлар ва мосламалар”</p>

Сув сифати амалдаги O`zDSt 950-2011 ичимлик суви стандартларига мувофик санитария талабларига жавоб бериши керак.

Чикинди сувлар Наманган сув таъминоти МЧЖ худудий окава тозалаш булимнинг 14. 04. 2021 №02/20 сонли техник шартига асосан ДСЭНМ билан келишилган холда махсус ура казиб ушбу урага ташлаш тавсия этилади.

Совуқ ва иссиқ сув таъминоти тизимлари билан ошхона, ювиниш, болалар ва ходимлар учун хожатхоналар, кир ювиш хоналари, тиббиёт хоналари, кўл ювгичлар, хўжалик эҳтиёжлари учун жиҳозланиши лозим.

Кўл ювгич ва ювиниш хоналарига берилаётган иссиқ сув ҳарорати 37°C ошмаслиги лозим.

Овқатланиш блокига берилаётган иссиқ ҳарорати 65°C кам бўлмаслиги лозим.

Совуқ ва иссиқ сув кувурлари ПВХдан амалдаги қоидалар талабларига мувофик материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

Иссиқлик таъминоти, иситиш ва шамоллатиш тизими.

Автоматлаштирилган, газ ва қаттик ёнилғида ишлайдиган, техник ходимларнинг доимий иштирокисиз ишлашга мўлжалланган ҳамда бир-биридан алоҳида ишлайдиган қозонлар орқали иссиқлик таъминоти билан таъминлаш.

Мақтабгача таълим ташкилоти хоналарига ўрнатилган иситиш мосламаларининг ташки ҳарорати 70°C дан ошмаслиги керак.

Хоналарнинг нисбий намлиги, иситиш тизимини лойиҳалаш ҳарорати ва бинога ҳаво алмашинуви оралиғи меъёрий ҳужжатларга мувофик қабул қилиниши керак.

Бино ва хоналарни иситиш ва шамоллатиш тизими КМК 2.04.05-91 “Иситиш, шамоллатиш ва ҳавони тозалаш” меъёрий ҳужжатига мувофик ишлаб чиқилиши керак.

Иситиш тизимини лойиҳалашда замонавий биометаллдан ишланган радиаторларни ва

		<p>сертификатланган пластик кувурлар ишлатилишини кўзда тутиш лозим.</p> <p>Электр таъминоти тизими.</p> <p>Электр тармоқларига уланиш нуқтасини аниқлаш. Агар керак бўлса таянчларни алмаштириш. I ва II тоифадаги электр истеъмолчилари учун иккинчи қувват манбаи ДЭС ни кўзда тутиш.</p> <p>Электр жихозларни ПУЭ талаблари асосида жамоат бинолари учун электр таъминотини лойиҳалаш бўйича кўрсатмаларни ва бошқа амалдаги меъёрий хужжатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш.</p> <p>Асосий тармоқдан электр қуввати узилиб қолган тақдирда иситиш қозонлари ускуналари ва барча турдаги насосларнинг ишлаши учун (АВР шкафи бўлган ёнгин насослари учун) дизел генераторини кўзда тутиш.</p> <p>Алоқа.</p> <p>Лойиҳада паст кучланишли тармоқлар ва алоқа тармоқларини (телевидения, интернет, видеокузатув, ёнгин хавфсизлиги сигнализацияси) кўзда тутиш.</p> <p>Мактабгача таълим ташкилоти атрофи бўйлаб, овқатланиш бўлимида, гуруҳ хоналарида, сояли соябонли болалар гуруҳи ўйин майдончаларида видеокузатув ускуналарини ўрнатишни кўзда тутиш.</p> <p>Муассаса бинолари автоматик ёнгин хавфсизлиги сигнализациялари билан жихозланиши лозим.</p>
13	Лойиҳалаш учун буюртмачи томонидан берилган дастлабки маълумотларнинг таркиби.	<p>1. Архитектура режалаштириш топшириғи (1 ва 2 қисм);</p> <p>2. Мухандислик ва геологик материаллар, топогеодезик хариталар натижалари;</p> <p>3. Лойиҳаланаётган объектни муҳандислик коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартлар: сув таъминоти, газ тармоқлари, электр тармоқлари (бош лойиҳачи томонидан энергия талабларини ҳисоблаб чиққандан кейин).</p>
14	Атроф муҳитни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар.	Объектнинг атроф муҳитга таъсирини лойиҳасини ўрганиш (ЗВОС).
15	Смета хужжатларини тузиш услубига қўйиладиган талаблар.	Смета хужжатларини амалдаги меъёр ва қоидаларга амал қилган ҳолда ишлаб


		<p>чиқиш.</p> <p>Смета хужжатларини нархларни келишиш баённомаси асосида (буюртмачи томонидан тақдим этилган) жорий нархларда ҳисоблаш.</p> <p>Тақдим этиладиган смета хужжатлари таркиби қуйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Локал ресурс ведомости; - Жамланган ресурс ведомости; - Локал ресурс сметаси; - Жамланган ресурс смета.
16	Лойиҳаланаётган объект таркиби	<p>Лойиҳаланаётган мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида қуйидаги бино ва иншоотлар кўзда тутилсин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 3 қаватли асосий бино; - 2 қаватли утиш йулаги - 1 қаватли ошхона биноси - 4 та болалар гуруҳ ўйингоҳи ташки болалар айвончаси билан биргаликда; - 1 та жисмоний тарбия майдончаси; - 1 та чўмилиш ҳавзаси; - коровул хона; - маиший хизмат кўрсатиш майдони (чойшабларни қуриштириш, гилам ва бошқа анжомларни тозалаш жойлари билан); - ўт ўчиргичлар ва боғ асбоблари учун хоналар – келажакда назарда тутилган ҳолда; - ўт ўчириш учун мўлжалланган насос (зарур бўлганда); - сув таъминоти учун насос зарур ҳолларда сув саклаш идиши билан; - Ёнғинга қарши захира сув ҳовузи хажми – ҳисоб китоблар асосида танлансин(зарур бўлганда); - Окава сувлар тушадиган хандак хажми – ҳисоб китоблар асосида танлансин (зарур бўлганда); - трансформатор подстанцияси; - дизельгенератори; - чиқиндилар учун майдонча; - олд томонидан очик тўсиқлар (ажурное ограждение); - уч томондан ёпик девор тўсиқлар; <p>-Ташқи хожатхона янги лойиҳалансин;</p>
17	Лойиҳа-смета хужжатлари бўлимларининг таркиби	<ol style="list-style-type: none"> 1. БР (бош режа, шу жумладан ободонлаштириш); 2. АЕ (архитектура ечимлари); 3. Т/БК (темир-бетон конструкциялар); 4. МК (металл конструкциялар); 5. АҚ (архитектура-қурилиш ечимлари); 6. ДМК (деталланган металл конструкциялар); 7. ИМЕ (иситиш қозонлари бўйича иссиқлик механикаси ечимлари);

		<p>8. ИТ (иситиш тизими).</p> <p>9. СК (сув таъминоти ва канализация);</p> <p>10. ЁХС (ёнгин хавфсизлиги сигнализацияси);</p> <p>11. ПКАТ (паст кучланишли ва алоқа тармоғи);</p> <p>12. ТЖ (технологик жихозлар)</p> <p>13. ТСТ (ташки сув таъминоти тармоғи);</p> <p>14. ТКТ (ташки канализация тармоғи);</p> <p>15. ЭТ (электр таъминоти);</p> <p>16. АММКТ (атроф мухитни муҳофаза қилиш тадбирлари);</p> <p>17. ЁХТ (ёнгин хавфсизлиги тадбирлари);</p> <p>18. ЭЭТ (энергия самарадорлиги тадбирлари);</p> <p>19. УТ (умумий тушунтиришлар);</p> <p>20. СМ (смета ҳужжатлари).</p>
18	Қабул қилинадиган лойиҳавий ечимларга энергия самарадорлигини таъминлаш талаблар	Мактабгача таълим ташкилоти иншоотларида энергияни самарали тежаш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутиш.
19	Ногиронлар ва аҳолининг кам ҳаракатланадиган гуруҳларининг яшаш шароитларини таъминлашга қўйиладиган талаблар	Ногиронлар учун пандусларни кўзда тутиш.
20	Ёнгин хавфсизлиги бўлимини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар.	Бўлимни амалдаги меъёр ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқиш, шунингдек ШНК "Бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги" дан фойдаланган ҳолда.
21	Намойиш қилинадиган материалларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар	Лойиҳани тасдиқлаш учун керак бўладиган ҳажмда. Қўшимча, презентация ва намойиш учун альбом.
22	Қурилиш муддати (йил)	2021-2021 йил
23	Мухандислик тадқиқотларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар	Мухандислик тадқиқот ва изланишлар «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК томонидан амалга оширилган (мухандислик геологияси, гидрогеология, топографик съёмкалар ва бошқалар)
24	Лойиҳалаш ва қуриш учун махсус шартлар	<p>"Наманган вилояти Давлатобод тумани №36 сонли мактабгача таълим ташкилоти"</p> <p>Объект жойлашган туман тавсифи:</p> <p>Меъёрий қор тушиш босими $S = 0.50$ КПа (50 кгс/м²) (КМК 2.01.07-96)</p> <p>Меъёрий шамол тезлиги босими $W = 0.37$ КПа (30 кгс/м²) (КМК 2.01.07-96)</p> <p>Сейсмик кўрсаткичи – 8 бал (КМК 2.01.03-96)</p>
25	Қурилиш объектнинг мураккаблик тоифаси	II тоифа
26	Қўшимча талаблар	Ишчи лойиҳалар 3 нусхада ва электрон шаклда (PDF форматда) 3 та қаттиқ дискга ёзилган тарзда тақдим этилиши керак.

		айрим қисмларини тегишли тартибда келишиб олиш.
27	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш (ПОС)	Бўлимни амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларга асосланиб ишлаб чиқиш.
28	Жихозлаш	180 ва ундан юқори қувватли бўлган МТТлар учун юмшок ва каттик жихозлар, ошхона жихозлари, идиш-товоклар кушиб кетилсин.

Келишилди:

Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инженеринг компанияси, бирламчи рухсат берувчи лойиҳа ва танлов ҳужжатларини таёрлаш бўлим бошлиғи.



Р.Эгамбердиев